

## Сурхондарё Вилояти Шароитида Ғўзанинг Шоналаш, Гуллаш Фазасида Навлар Кесимида Трипсинг Ривожланиши

*Хўжаев Мансур Мустафо Ўгли<sup>1</sup>, Халимов Рахматилло Раимович<sup>2</sup>,  
Қурбонова Гуллола Раджабовна<sup>3</sup>, Нажмиддин Очилдиев<sup>4</sup>*

**Аннотация:** Сурхондарё вилояти шароитида ғўзанинг маданий турларига мансуб ингичка ва ўрта толали навларида ҳамда Хитой давлатидан келтирилган Хинлузао -52 навида трипсинг тарқалиши ва зичлиги ўрганилган. Тадқиқотлар вилоятнинг шимолий қисми Шўрчи туманида, жанубида эса Термиз ва Шерабод туманларида ғўзанинг шоналаш, гуллаш фазаларида олиб борилган.

**Ключевые слова:** Шўрчи, Термез, Шерабод, Хинлузао -52, Бешқахрамон, Термиз-202, зараркунанда.

**Кириш:** Республикамиз шароитда ғўза майдонларида бир неча турдаги кемирувчи ва сўрувчи зараркунандалар учраб, ҳосилдорликка маълум даражада салбий таъсир кўрсатади. Булар орасида сўрувчи зараркунанда ҳисобланган трипсинг ўрни алоҳида эътиборга молик. Айниқса бу зараркунанда ғўзани ниҳоллик даврида кучли зарарлайди. Бу пайтда кескин зарар бериши оқибатида ниҳолнинг ўсув нуктаси жиддий шикастланиб, айри шохлар ҳосил қилади, ғўза ривожини бир неча кун орқага суриб ҳосилдорликка сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Ғўзани нафақат трипсдан балки бошқа зарарли организмлардан ҳам самарали ҳимоя қилиш доим долзарб масалалардан бўлиб келади. Бу борада муайян зараркунандага чидамли навларни аниқлаш ёки яратиш уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг ажралмас ва асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда ғўза ўсимлигидан юқори ҳосил олиш мақсадида янги навлар четдан олиб келиб парвариш қилинмоқда. Шуларни эътиборга олиб трипс зараркунандасининг тарқалишини республикамизда кенг районлашган маҳаллий ўрта ва ингичка толали ҳамда хорижий Хинлузао-52 навида мониторинг ишлари олиб бориб ўрганилди.

Илмий адабиётлардан маълумки тамаки трипси зараркунандаси зарарлаши натижасида барглarning остки томони ўзига хос равишда кумушсимон ялтираб қолади [2]. Бу зараркунанда ғўзадан бошқа тамаки, пиёз, карам, памидор картошкага ҳам кучли зарар беради [1].

Трипслар ҳошия қанотлилар ёки трипслар (terebrantia) туркумига ва thripidae оиласига мансуб. Ғўзани 3 та трипс тури шикастлайди. Трипс табаси Линг-тамаки трипси, Тх. госсипии Жакх-ғўза трипси, Анапхотрипс счирабудинсис Жакх-шира-будин трипси. Булар ичида тамаки трипси кенг тарқалган бўлиб, зарари бошқа турларга нисбатан кучлироқдир [3].

Тамаки трипси ер юзига тўкилган барглари ва ўсимлик қолдиқлари остида етук зот ҳолатида қишлайди, баъзида эса нимфалари ёки личинкалари ҳам қишлаши мумкин [4]. Личинкаси тўрт марта туллагач етук зотга айланади. Ўзбекистон шароитида трипс зараркунандаси 7-8 марта авлод беради [2].

<sup>1</sup> Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий тадқиқот институти Сурхондарё минтақавий филиали кичик илмий ходими

<sup>2</sup> Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий тадқиқот институти Сурхондарё минтақавий филиали кичик илмий ходими

<sup>3</sup> Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий тадқиқот институти Сурхондарё минтақавий филиали лаборанти

<sup>4</sup> Ингичка толали пахтачилик ИТИ лаборатория мудир



**Тажриба ўтказилган жой:** Ғўза агробиоценозида трипсининг тарқалиши ва зичлигини ўрганиш Сурхондарё минтақавий филиалининг Ангор туманида жойлашган тажриба даласида экилган ғўзанинг ўрта толали “Бешқаҳрамон” навида ва ҳамкорлик шартномаси асосида Ингичка толали пахтачилик илмий тадқиқот институтининг Термиз туманида жойлашган тажриба даласида экилган ингичка толали “Термиз - 202” навида ҳамда Хитой давлатидан келтирилган Шерабод, Термиз ҳамда Шўрчи туманларида экилган Хинлузао ғўза навларида ўрганилди. Трипс зараркундаси ғўзанинг чинбарг, шоналаш, гуллаш, кўсак ҳосил қилиш фазаларида ҳам зарар беришини кузатишимиз мумкин. Бугунги кунда ғўзани ўсув даврида зараркундалардан самарали химоя қилишда доимий мониторинг ишларини ўтказиб боришни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан ғўзанинг шоналаш, гуллаш фазасида нес нобуд қилмасдан парвариш қилиш юқори ҳосил олиш деҳқонларимиз олдида турган биринчи мақсад ҳисобланади.

Ғўзада трипси ҳисоб китоб қилиш Ўзбекистон ўсимликларни химоя қилиш илмий тадқиқот институти олимлари Ш.С.Муҳаммадалиев, Б.А.Сулаймонов, М.И.Рашидовлар (2002) томонидан таклиф этилган усуллар асосида олиб борилди. Трипсининг тарқалиши ва зичлигини мониторинг қилиш тартиби:

Вилоятнинг иқлим шароити бир биридан фарқ қилувчи шимолий Шўрчи тумани ва жанубий Термиз, Шерабод туманларида парваришланаётган маданий ва Хитой давлатидан келтирилган Хинлузао-52 навларида олиб борилди. Бунда ўзгарувчан 5 та намунанинг ҳар биридан 10 тадан, жами 50 та ўсимлик ва ундаги барча барглarning зарарланганлик даражаси ҳамда битта баргдаги трипс сони ўрганиш усулида амалга оширилди. Намуналар дала четидан 1,10,20,30, ва 40 м. Узоқликда танлаб олиниб улардаги жами барглр сони, зарарланиш даражалари ва битта баргдаги трипс сони ҳисоблаб борилди.

Ғўза экинларида шоналаш фазаси бошланган даврдан трипс зараркундасининг тарқалишини ўрганиш жараёни бир туп ўсимликдаги барглarning тупда жойлашиш ва ўрта ҳамда қуйи яруслардаги барглрда эса уларнинг сони камайиб бориши кузатилди. Жумладан, ўрта толали ғўза навида юқори ярусда жойлашган бир туп барглрда ўртача 4,3 дона трипс учраган бўлса ўрта ярус баргда ўртача 1,3 донани, ингичка толали ғўза навида мос равишда 3,9-1,9 ва 1,6 тани, Хитой ғўза навларида эса юқори ярус барглрда 2,3-3,6, ўрта ярус барглрда 17-2,9 ва қуйи ярус барглрда ўртача 1,1-1,2 донани ташкил этди (Жадвал).

Ғўза навлари тўлиқ шоналаш фазасига кириб гуллаш фазаси бошланган (10%) даврида трипс зараркундаси сони кескин камайганлиги кузатилди.

Ўрта толали, ингичка толали ва Хитой ғўза навларида юқори ярус барглрда ўртача 0,9-1,5 дона, ўрта ярус барглрда 0,6-1,1 дона ва қуйи ярус барглрда 0,7-0,4 донани ташкил этди.

Ўрта, ингичка ва хорижий (Хитой) ғўза навларининг трипс билан зарарланиш даражасида кескин фарқ кузатилмади. Битта баргдаги ўртача трипс сони кўрсаткичлари ғўзанинг чинбарглик фазасида юқоридан тўлиқ тўлиқ шоналаш ва ўсимликда дастлабки гулар пайдо бўлиш (гуллаш фазаси бошланган) даврида кескин камайиб кетиши кузатилди.

**Жадвал .Surxondaryo viloyati sharoitida g‘o‘zaning shonalash va gullash fazalarida trips zararkunandasining tarqalishi va zichligi. 2024-йил**

Rivoj lanish fazalari	G‘o‘za turi va navlari	Namuna soni	O‘rganilgan o‘simlik soni, dona	O‘rganilgan barglar soni, dona	Shundan					
					Yuqori yarus barg soni, dona	O‘rtacha 1 bargdagi, trips soni, dona	O‘rta yarus barg soni, dona	O‘rtacha 1 bargdagi, trips soni, dona	Quy yarus barg soni, dona	O‘rtacha 1 bargdagi, trips soni, dona
Shonalash Iyun-1-10	O‘rta tolali “Beshqaxramon” navi	5	50	150	50	4,3	50	2,2	50	1,3
	Ingichka tolali “Termiz 202” navi	5	50	150	50	3,9	50	1,9	50	1,6
	Xinluzao 52 (Xitoy) Termiz	5	50	150	50	2,3	50	1,7	50	1,1
	Xinluzao 52 (Xitoy) Sherabod	5	50	150	50	2,7	50	1,8	50	1,2



	Xinluzao 52 (Xitoy) Sho'rchi	5	50	150	50	3,6	50	2,9	50	1,3
Gullash (dastlabki davri 10%) Iyun 11-20	O'rta tolali "Beshqaxramon" navi	5	50	150	50	1,3	50	0,9	50	0,8
	Ingichka tolali "Termiz 202" navi	5	50	150	50	1,2	50	0,8	50	0,7
	Xinluzao 52 (Xitoy) Termiz	5	50	150	50	1,3	50	0,6	50	0,5
	Xinluzao 52 (Xitoy) Sherabod	5	50	150	50	0,9	50	0,8	50	0,7
	Xinluzao 52 (Xitoy) Sho'rchi	5	50	150	50	1,5	50	1,1	50	0,4

**Хулоса** қилиб айтганда маҳаллий ўрта толали, ингичка толали ва Хитой давлатидан келтирилган ғўза навларида мониторинг натижасига кўра ғўзанинг шоналаш фазасида, гуллаш фазасига нисбатан трипс зараркунандаси кўпроқ учрагани қайд этилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алимухаммедов С., Хўжаев. Ш., Ғўза зараркунандалари ва уларга қарши кураш. – Тошкент: Мехнат, 1991. – б-83.
2. Хўжаев Ш.Т., Сулаймонов О.А. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг асослари. – Тошкент. - 2019. – 376 б.
3. Яхонтов В.В. Ўрта Осиё Қишлоқ Хўжалиги ўсимликлари ҳамда маҳсулотларининг зараркунандалари ва уларга қарши кураш. -Тошкент: Ўрта ва олий мактаб:-1962. - 693 б.
4. Муҳаммадалиев Ш.С., Сулаймонов Б.А., Рашидов М.И Екинлар зарарли организмлари ривожланиши ва тарқалишининг башорати. Тошкент “Ўқитувчи “ 2002 й.

